# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 25 APREL, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№55 (6.580). Sotuvda erkin narxda


*Республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда.*

**Ислом КАРИМОВ**

# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ - ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ



*Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси*

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Олий Мажлисимизнинг ушбу сессияси кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги масала киритилган.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган асосий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зудлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқишни талаб қиладиган қандайдир шошилинч ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

Сизларга яхши маълумки, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлигини ўзида мужассам этган бизнинг янги Конституциямиз мустақил ва суверен тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб, амалдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган қадрият, мақсад ва вазифаларни мустақил тараққиётимиз даври мобайнида ҳаётга жорий этишда эришилган натижаларни, юксак марраларни танқидий баҳолар эканмиз, бир нарсага қайта ва қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Яъни, бизнинг халқимиз учун мутлақо номақбул бўлган, мафкуралашган эски тизимдан воз кечиб, ўзимизга мос босқичма-босқич тадрижий ўзгариш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориш, очиқ, эркин демократик жамият қуриш - биз учун фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл эди ва шундай бўлиб қолажак.

Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун мамлакатимиз Конституциясига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз - мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли - бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу борада биз эришган натижалар - давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Ва бундай ҳолатни сезмасдан бўлмайди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган келгуси чақириқдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган умумхалқ референдуми ҳам ўз моҳият-эътиборига кўра айнан мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Референдум натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи - икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими - демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Олий Мажлиснинг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Мен бугун, мана шу имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, таклиф этилаётган ўзгартириш ва тузатишлар Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қуйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишлидир.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-, 110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради.

Энг муҳими, мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормаларни тубдан эркинлаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг маъно-мазмунини яққол ифода этади.

Қисқача қилиб айтганда, бугун мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритиш таклиф этилаётган тузатиш ва ўзгартиришларнинг принципиал моҳияти нималардан иборат?

**Биринчидан.** Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата -Сенатга ўтказилади.

**Иккинчидан.** Конституциянинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал равишда ўзгаради.

Бу модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топади.

**Учинчидан.** Қуйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

(Давоми 2-бетда)

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

***24 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади.***

***Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.***

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет мамлакатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди.

Сессия қатнашчилари депутат Ф.Омонов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Шундан сўнг кун тартиби тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирган омилларга тўхталди. Президент Асосий Қонунга ўзгартишлар киритиш мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатининг холис инъикоси эканлигини, мамлакатимиз олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ироқдаги воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр билдирди, ушбу муаммо бўйича Ўзбекистоннинг тутган позициясини ҳар томонлама асослаб берди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов тақдим этди.

(Давоми 3-бетда)

## Ироқ теварагидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг БАЁНОТИ

Ироқ ва уни қуролсизлантириш муаммосини ҳал этишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар жаҳон жамоатчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмалари, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар, сайёрамизнинг кўпгина мамлакатлари диққат марказида турибди.

Воқеалар ривожининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жуда кўп резолюциялари ва қарорлари бажарилиши юзасидан жаҳон ҳамжамияти томонидан кўрилган барча чора-тадбирлар зое кетди. Ироқни қуролсизлантириш бўйича нуфузли халқаро комиссияларнинг ялпи қирғин қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва қўлланиш имкониятларига чек қўйишга, Ироқ теварагидаги муаммони тинч йўллар билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари энг аввало мазкур мамлакат раҳбарияти ва бевосита Саддам Ҳусайннинг айби билан самара бермади.

Таассуфки, Ироқдаги ҳокимият тизимини тутиб турган режим кейинги ўн йиллар мобайнида қўшни суверен мусулмон мамлакатларига қарши бир неча бор уруш чиқарди, Эронга қарши урушда ва ўзининг тинч аҳолисига қарши кимёвий қурол ишлатди, халқаро ҳамжамиятнинг барча огоҳлантиришларидан тегишли хулосалар чиқариб олмади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси тутган йўл мамлакатимизнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши, ялпи қирғин қуроллари тарқалишига, наркотажовузга қарши, халқаро хавфсизликка бўлаётган бошқа хуруж ва таҳдидларга қарши қатъият билан кураш олиб боришга қаратилган изчил, собитқадам ва принципиал сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми 3-бетда)

## ОВУЛНИНГ ЭГАРСОЗ УСТАСИ

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**

***Саксовулзор ўртасидаги ялангликда отлар дупуридан ер ларзага келади. Чавандозлар дулдулларини "Ийт-иййт"лаб тўдага бошини суқади. Шу чоғ саман арғумоқ эллик-олтмиш чоқли отни икки томонга суриб, олдинга ташланди. Тулпор қий-чувдан сергакланиб, еру кўкка сиғмай олдинга сакрайди. Тўдадан ажралиб чиқди. Майдонда от сураётганлар биринкетин орқада қолишди. Кўкка сапчиётган саман шиддат билан оралиқни босиб ўтди-ю, улоқни маррага келтириб ташлади.***

Чор-атрофни томошабинлар олқиши тутиб кетди.

-Барака топсин саманнинг чавандози, - дейди мўйловдор қария.

-Туф, денг, отига ҳам, ўзига ҳам кўз тегмасин. Эгарда ўтиришини қаранг! Нақ саркарда дейсиз? – деди иккинчи отахон қувноқ кайфиятда.

-Эгарда ҳам гап бор-да! – сўз қотди яна кимдир.

Ўша куни саман яна уч марта тўдадан улоқни олиб чиқиб, томошабинларни ҳайратга солди. Албатта, чавандознинг абжирлиги, куч-қувватига тан бердим. Бироқ эътиборимни оти белидаги эгар кўпроқ тортди.

Ниҳоят, кутилган вақт етиб келди. Саман отлиқ чавандоз билан юзма-юз бўлиб, эгарсоз устанинг кимлиги билан қизиқдик. Йигит мақсадимизни англаб, унинг манзилини айтди.

Орадан кўп ўтмай кўрсатилган манзил томон йўлга тушдик. Боймурод қўрғонидан чиққан қумлоқ йўл саксовулзорларнинг нақ белидан камар солган. Шимоли-шарқ томонга тўққиз чақирим юргач, барханлар ўртасидаги ўтовларга кўзимиз тушди.

(Давоми 4-бетда)

**ТАРАҚҚИЁТ**

## ГУРЛАН "ГУЛИСТОН"И

***Туман ҳокими Раҳимбой Матрасулов билан суҳбатлашганимизда, у киши ҳар гал бир гапни алоҳида таъкидлайдилар: воҳа аҳли ўтмишда гурланликларни "катхудо" кишилар, деб таърифлаганлар.***

Ҳақиқатдан ҳам бу эл кишиларида ўзбекларга хос бағрикенглик, меҳнаткаш, меҳмондўстлик каби инсоний фазилатлар мужассам. Оддий кишилар билан кўпроқ мулоқотда бўлсангиз, юқоридаги нақлнинг нақадар тўғрилигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Биз яқинда Гурланнинг энг чекка қишлоғи – "Шоликор"да бўлиб, қилинаётган ишлар билан танишганимизда юқоридаги таърифнинг ҳақлигига гувоҳ бўлдик. "Қилич Ниёзбой" каналидан оби ҳаёт оладиган ширкат хўжаликлари далалари қўшни давлат ерларига туташ, воҳа сув йўлларининг энг охирида жойлашган. Туман марказидан чиққанингиздан сўнг, бепоён далалардан, ҳар ер, ҳар ерда учрайдиган аҳоли яшаш жойларидан ўтиб, қишлоқ ҳудудига киришингиз билан ўзингизни ҳақиқий "Гулистон"да юрганингизни ҳис қила бошлайсиз. Дастлаб кўзингиз замонавий услубда қурилган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биносига тушади. Исроил технологияси асосида ишлаб турган сут заводи, кичик бозори ҳам бўлган қишлоқ гузари, биолабораторя, турар жой бинолари, кенг ва текис асфальт йўллар...

Дарҳақиқат, буларнинг барчаси шу эл кишиларининг фидокорона меҳнатлари натижасида бунёд қилинган.

(Давоми 3-бетда)

## ҲАФИЗОВНИНГ ЧАҚҚОН ҚИЗЛАРИ

**ИНТИЛИШ**

***Косонсойда Одилхон деган дўстим бор. У раҳбарлик қилаётган Ё.Худобердиев номли ширкат хўжалиги чорвачиликни вилоятда биринчилар қатори ижара усулига ўтказди. Лекин ҳикоямиз бу хусусда эмас.***

-Чигитни экканмиз, чорвани боқканмиз – бари ўзингиз кўрган нарсалар, - деди Одилхон Қориев кутилмаганда. – Яхшиси 33-мактабга борайлик, зўр мавзу топиб берганим учун ҳам менга раҳмат айтасиз.

Раис таклиф қилган мавзу болалар спорти, қаҳрамон эса жисмоний маданият муаллими Мухторжон Ҳафизов эканини ўша мактабга борибгина билдим.

Дастлаб у ҳақда икки оғиз: Мухторжон чорак асрдан буён ўқитувчилик қилади. Бир пайтлар қўл тўпи бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида ўйнаган. Республика миқёсидаги мусобақаларда уч бор ғолибликни, ўн марта совринли ўринларни қўлга киритган. Волейбол, баскетбол, ҳатто футбол бўйича ҳам вилоят шарафини ҳимоя қилган.

Ҳозирда Мухторжон ишлаётган, 1200 бола ўқийдиган 33-мактабда спорт базаси ёмон эмас. Каттагина футбол ўйингоҳи бор. Туман марказий стадионидан сўнг иккинчи ўринда туради. Югуриш йўлкалари яхши жиҳозланган, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, кичикроқ спорт зали ҳам бор. Беш нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари 7 тўгаракда иш олиб борадилар.

-Лотереядан каттароқ пул ютиб олсам қишлоқда зўр спорт зали қурган бўлардим, - дейди у. – Шода-шода медаль таққан қизларимни олис юртлардаги мусобақалардан ёруғ юз билан олиб келсам, ота-оналар бизни ўша ерда кутиб олсалар...

(Давоми 4-бетда)

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

## ҚОНГА БОТГАН ҚЎЛЛАР

***Панжара ортида бегонамас, ўз жигарларига жабр қилган судланувчи ўзини оқлашга уринаяпти. Унга нафратли нигоҳини қадаб, алам билан ўлим жазосини тайинлашни истаётганлар ҳам бегонамас, унинг қон-қариндошлари.***

Қариндош ўртасида зиддият туғилса, нари борса жанжал билан тугайди. Қўлига зирапча кирса ҳам, жони ачийдиган жигарининг дилозорлигини ҳам, хатосини ҳам унутади киши. Яхши-ёмон кунларда унга суянади. Бироқ бир-бирларига қасдлашган, кўнглида меҳр-муҳаббат ўрнига нафрат ҳукмрон қариндошлар қўлини қонга ботирса... буни фақат инсонийлик чегарасидан чиқиш, деб баҳолаш мумкин, холос.

Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани Незахос ширкат хўжалигида ўтган йилнинг сунбула-сида содир этилган бир жиноятдан ана шундай фикрга борасан беихтиёр.

Судланувчи-Шуҳрат Собиров. 1967 йилда туғилган. 4 нафар фарзанднинг отаси. Маълумоти 8-синф. Муқаддам икки бор судланган. Ҳибсга олинган кунга қадар ҳеч қаерда ишламаган.

Шуҳрат умрининг энг гуллаган дамларини елга совурди: Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилар, на ўқиш, на иш қизиқтиради уни. Тўғри, бироз вақт ширкатда трактор ҳайдаб юрди. Лекин бундан ҳам зерикди. 23 ёшида аммасининг қизи Тамара билан никоҳдан ўтмай бирга яшай бошлади. Қариндошлари бу никоҳга қарши эдилар, начора, ҳар икки ёш хоҳлаб оила қурмоқчи бўлибдими, бунга тўсқинлик қилиш ақлсизлик эди.

(Давоми 3-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ФАРМОНДАН УМИДИМИЗ КАТТА

"ЎРГУЛСИН" ОПА

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ

# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ - ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

(Боши 1-бетда)

Сессия мажлислари тартибида ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар - маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата - Сенатнинг шакллантирилиши Қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради.

Қуйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади.

**Тўртинчидан.** Ўз-ўзидан аёнки, қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва биргаликда амалга ошириладиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради.

Бу борада қонунларни қабул қилишда барчамиз демократик тамойил ва меъёрларга риоя этишни ўрганишимиз, депутатлик этикасини сақлаган, халқ вакили деган муносиб номга доғ туширмаган ҳолда, принципиаллик ва қатъият кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги, биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

**Бешинчидан.** Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак. Ва бу жараёнларни, ўз моҳият эътиборига кўра, ҳозирданоқ марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятни тўғри баҳолаш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлмиш умумэътироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

Шуни унутмаслик лозимки, аввалambор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади.

Шак-шубҳасиз, бу жараёнда матбуотимиз, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг роли катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимизни демократлаштириш борасида ҳаётга жорий этилаётган ишларимизга, уларнинг амалий аҳамиятига, аввало сўз ва ахборот эркинлиги, ҳар қайси фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини сўзда эмас, амалда қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади. Буни унутмаслигимиз лозим.

Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак. Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта.

Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гап бўлиб қолади.

Шу маънода, сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича турли манфаатдор гуруҳлар, биринчи галда, нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳаза, ёндашув ва танқидий баҳоларини инобатга олиш ҳамда уларни чуқур ва пухта ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилганларга якун ясар эканмиз, бугун Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилиш ва саъй-ҳаракатларимизнинг холис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий кафолатларни яратади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ҳурматли депутатлар!

Энди ижозатингиз билан мен бугун халқаро ҳамжамият диққат марказида турган Ироқ ва унинг атрофидаги воқеалар билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, бу воқеалар узоқ тарихга эга.

Ироқ давлати ўзининг жўғрофий ва геополитик ўрни, жуда катта табиий захиралари, биринчи навбатда, нефть ва газ ресурсларига бойлиги билан доимо дунё аҳлининг эътиборини тортиб келган. Бу мамлакат орқали қадим-қадимдан савдо йўллари ўтган, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланган.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича аниқланган нефть захираларининг 11 фоиздан зиёди Ироқ ҳудудида жойлашган. Бу борада у Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Агар Ироқда қазиб чиқариладиган нефть таннархи дунёда энг арзонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мамлакатнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Икки буюк дарё - Дажла ва Фирот оралиғида жойлашган бу ўлкада азалдан илму фан, санъат ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнаган. У ўз бағрида Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия сингари энг қадимги цивилизациялар билан боғлиқ тарихий хотира ва ёдгорликларни сақлаб келади. «Ҳикматлар уйи» деб ном олган Бағдод академияларида эса ўз даврида Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ислом маданияти ва фалсафасининг машҳур вакиллари таҳсил олгани ҳам тарихдан яхши маълум.

Бир сўз билан айтганда, ана шундай бой тарих ва улкан имкониятларга, йигирма беш миллионли аҳолига эга бўлган бу давлат, ҳеч шубҳасиз, ўз халқига муносиб турмуш шароити яратиб бериши, фаровон ҳаёт кечиришни мумкин ва зарур эди.

Ироқ халқининг ҳаёти, ҳеч бўлмаганда, Форс кўрфазидаги Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Қатар, Уммон каби бадавлат қўшни мамлакатларнинг бугунги турмуш даражасидан кам бўлмаслиги лозим эди.

Бироқ, минг афсуски, кетма-кет содир этилган қонли тўнтаришлар, бегуноҳ қурбонлар ва ҳатто ўзининг яқин қариндошларини ҳам аёвсиз йўқ қилиш натижасида 1979 йили ҳокимият тепасига келган Саддам Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврда Ироқдаги бу имкониятлар ишга солинмади.

Саддам Ҳусайнининг президентлик тарихи шуни кўрсатмоқдаки, унинг бош мақсади - ўз халқини доимий қўрқув ва итоатда ушлаб туриш, кимки бунга бўйсунмаса, шафқатсизларча қириб ташлашга қаратилган.

Унинг энг асосий нияти - ўз куч-қудратини нафақат мамлакат ичида, балки ундан ташқарида ҳам намойиш этиш, нефть ва газга сероб бўлган қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, измига бўйсундириш, шу тариқа бой ва улкан ушбу минтақада ўз ҳукмини ўтказиш ва якка ҳукмрон бўлиб олишдан иборат эди.

Саддам ўзи тузган кучли полиция ва мустабид тизим ёрдамида мамлакатнинг деярли барча бойликлари, биринчи навбатда, нефть ва унинг манбаларини сотишдан тушган маблағларни асосан ўзининг ва гумашталарининг бойлик орттириши учун, ҳар бир шаҳарда муҳташам сарой ва дабдабали мажмуалар барпо этиш, ўзининг баҳайбат ҳайкалларини ўрнатиш, керак бўлиб қолганида, жон сақлаш учун мураккаб ерости иншоотларини қуришга сарфлади, десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги қатор банкларнинг ҳисоб рақамларида Ҳусайн ва унинг яқинларига тегишли кўп миллиардлаб доллар пул ва катта миқдордаги бошқа қимматбаҳо бойликлар борлиги аниқланмоқда.

Саддам Ҳусайн амалда президентлик фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий қирғин қуролини қўлга киритишга жуда катта эътибор қаратди.

У 80-йиллардаёқ айрим қудратли давлатлар ёрдамида бир нечта атом реакторини қуришга эришган, ядро қуроли яратишда ишлатиладиган технология ва парчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналар сотиб олган, кимёвий ва биологик қурол тайёрлаш учун зарур базага эга бўлган эди.

Қўшни Эрон мамлакати билан 8 йилдан кўпроқ давом этган ва 800 минг кишининг ёстиғини қуритган ҳарбий можаро шуниси билан ажралиб турадики, тақиқланган кимёвий қурол айнан мана шу урушда Саддам Ҳусайн томонидан қўлланган эди.

У ўз халқини бўйсундириш учун ҳатто биологик қуролни ишлатишдан ҳам тап тортмади. Натижада юз минглаб курд миллатига мансуб тинч аҳоли ҳалок бўлди, улар яшайдиган 40 дан ортиқ аҳоли пунктлари йўқ қилиб ташланди.

Ўз кирдикорларига жазо берилмаслигига ишонган ва ҳарбий қудратига маҳлиё бўлган Саддам Ҳусайн 1991 йили ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган қўшниси - Қувайтни босиб олиш ва унинг нефть захираларига эгалик қилиш учун бу мамлакатга ўз армиясини йўллади.

Сизларга яхши маълумки, ўшанда АҚШ етакчилигида халқаро коалиция томонидан ўтказилган «Саҳродаги бўрон» ҳарбий операциялари натижасида Қувайт озод қилинган эди.

Шу ўринда, ўша йиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясига кўра, Ироқ 90 кун ичида тўлиқ қуролсизланиши, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш бўйича олиб бораётган барча ишларини тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммасига олганини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Бироқ, кўриб турибмизки, Саддам Ҳусайн 1991 йилги шармандали мағлубиятидан ўзига ҳеч қандай сабоқ чиқариб олмади.

Аксинча, мана шу ўтган йиллар давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича кўплаб резолюцияларини халқаро кузатувчилар назорати остида сўзсиз бажариш ўрнига, Саддам Ҳусайн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг иродасини тан олмай, ўзининг сурбетларча ўйинини давом эттириб келди, дейишга бугун дунё жамоатчилигида барча асослар етарли.

Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қарори билан «Нефть эвазига - озиқ-овқат» дастури асосида Ироққа ёрдам кўрсатиш бошланган бир пайтда, бу маблағлар очликдан қийналаётган аҳоли ва нобуд бўлаётган болалар учун эмас, балки, биринчи навбатда, ҳарбий кучлар сонини кўпайтириш ва замонавий қурол-яроғлар сотиб олишга сарфланди.

Ҳолбуки, Яқин Шарқ минтақасида энг кучли ҳисобланган 450 минг кишилик армияни, бунга қўшимча равишда «фидойилар» деб аталадиган жангарилардан иборат кўп сонли махсус бўлинмаларни шакллантириш ва сақлаб туриш, уларни замонавий қурол ва зирҳли техника билан таъминлаш учун, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маблағ талаб этилади.

Хўш, бундай маблағлар қаердан олинди? Бу маблағлар, аввалambор, нефть конларини ўзлаштириш бўйича тузилган шартномалар, нефтни турли йўллар билан сотиш ва Ироққа ажратилаётган кредитлар ҳисобидан олинди.

Бугун, баъзи маълумотларга қараганда, Ироқ давлатининг расман тан олинган ташқи қарзларининг ўзи 100 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда, Ироқ ҳудудининг ҳали у, ҳали бу ерида кимёвий ва биологик қуролнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи турли захиралар топилаётгани, бу ўта хавфли моддалар билан тўлдирилган ўқ-дори ва снарядлар учраётгани халқаро жамоатчиликда жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Мана шундай вазиятда билдирилган айрим фикрларга, яъни ҳарбий ҳаракатлар бошланиши арафасида Ироқ амалда ҳеч кимга таҳдид солмайдиган заиф ва беозор давлатга айланиб қолган, деган баёнотларга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

XXI аср бошланиши билан дунё «уруш» деган тушунчанинг барчага маълум бўлган анъанавий маънолари тубдан ўзгарган янги бир даврга қадам қўйди.

Бутун маърифий халқаро ҳамжамият 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружидан сўнг бу аччиқ ҳақиқатни айниқса чуқур англади.

Мана шу фожиали воқеалардан кейин барча мамлакатлар, жумладан, энг замонавий, энг кучли қуролларга эга бўлган қудратли давлатларга ва бугун жаҳон майдонида ўзини намойиш қилаётган даҳшатли таҳдиддан, халқаро терроризм ва ақидапарастлик балосидан ўзини, ўз халқини илгари қўлланган усуллар билан ҳимоялаш мумкин эмаслиги бирданига аён бўлиб қолди. Буни ҳамма тушуниб етди.

Транспорт ва коммуникация воситалари юксак даражада ривожланган ҳозирги шароитда - ядровий бўладими, кимёвий ёки биологик бўладими - бундан қатъи назар, оммавий қирғин қуроллари учун чегара ва масофанинг аҳамияти йўқлиги инобатга олинса, бундай қуроллар террорчи ва ақидапараст кимсалар қўлига тушиб қолса, қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Бундай хавф-хатарга қарши фақат битта чора қўллаш мумкин, у ҳам бўлса, барча мамлакатлар ва халқларнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бир мақсад йўлида бирлаштиришдир. Бу борада терроризм ва унинг турли қиёфаларда намоён бўладиган кўринишлари билан ўйин қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, бу офат бизни четлаб ўтади, деган хомхаёлларга берилиш охироқибатда катта хато бўлади.

Яна бир масала - оммавий қирғин қуролини бошқаларга нисбатан, жумладан, тинч аҳолига қарши бир марта бўлса-да қўллаган, бугун ҳам халқаро ҳамжамият талабларини инкор этиб келаётган режимлар ва ёвуз кимсаларни тийиб қўйиш, керак бўлса, уларнинг йўлини бутунлай тўсиб ташлаш зарур.

Ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролининг халқаро институтлар, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қатъий назорат қилинмайдиган ёки назорат остига олиб бўлмайдиган мамлакатларга мавжудлиги ёки пайдо бўлиш имкониятини билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса эртага катта кулфатга айланадиган, кейин олдини олиб бўлмайдиган хавф-хатарнинг жиддий белгиси сифатида қабул қилинмоғи керак.

Энди, ҳурматли депутатлар, Ироқда коалицион кучлар томонидан амалга оширилган ҳарбий операция муносабати билан билдирилган баёнотлар, яъни бу суверен давлатга қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясини чиқарилмасдан туриб бошланди, деган эътирозлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

**Биринчидан.** Саддам Ҳусайн 12 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ироқни қуролсизлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш учун юборилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб-кўп комиссиялари ва мухтор вакилларини чалғитиб келди.

Бу комиссиялар Ироқдан намойишкорона чиқариб юборилгани ҳақида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Чамаси, Саддам Ҳусайн Ироқда ҳар бири ўз манфаатига эга бўлган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, бундай ўйинни истаганча чўзиши мумкинлигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларидан бошқа кескин чоралар кўрилмаслигига чиндан ҳам ишониб қолган эди.

**Иккинчидан.** Яқин тарихда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган суверен давлатлар ҳудудига Хавфсизлик Кенгашида ҳеч бир муҳокама қилинмасдан қуролли босқинлар содир этилгани билан боғлиқ далилларни ҳам биламиз. Бундай ҳаракатларни оқлаб бўлмайди, албатта, аммо шундай бўлгани ҳаммага маълум.

Мисол учун, 1979 йили собиқ шўро қўшинларининг қардош афғон халқига интернационал ёрдам кўрсатиш баҳонасида Афғонистонга бостириб кирганини эслаш кифоя, деб ўйлайман.

Ёдингизда бўлса, миллионлаб афғонларнинг нобуд бўлишига, уй-жойидан ажралиб, қочоққа айланишига, ўнлаб-юзлаб аҳоли пунктларининг ер билан яксон қилинишига олиб келган бу босқинчиликнинг ташаббускорлари, афғон халқининг розилигини сўраш у ёқда турсин, ўз вақтида бу масалани ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши қўйишни ҳам ўзларига лозим кўрмаган эди.

**Учинчидан.** Афғонистондаги уруш 20 йилдан ортиқ давом этди. Бу урушни тўхтатиш ва минтақада барқарорликни таъминлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб йиғилиш ва ассамблеяларида муҳокама этилди, бу борада Хавфсизлик Кенгашининг ўнлаб резолюцияларни қабул қилинди.

Бу мамлакатдаги хунрезлик ва бедодликни тўхтатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўп-кўп ваколатли комиссиялари ва масъул делегациялари келиб кетди. Хўш, натижа нима бўлди? Ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган, халқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасини мутлақо тан олмаган толибларнинг амалда жазосиз қолиши қандай оқибатларга олиб келди?

Афғонистон нафақат улкан Марказий Осиё минтақасига, аслида бутун дунёга таҳдид солаётган энг ашаддий халқаро террорчилар, экстремистлар ва ақидапарастларнинг полигонига айланиб қолди. Толиблар ва Афғонистонга уя қуриб олган кўп сонли террорчи гуруҳларнинг халқаро экстремизм марказларидан ва кўпгина мамлакатлардаги ҳомийларидан жуда катта миқдорда молиявий ёрдам олиб турган ҳеч кимга сир эмас.

Уларнинг режалари фақат Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда кўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан чекланмаган. Аксинча, бу ёвуз кучлар минтақадаги вазиятни батамом издан чиқариш ва қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бугун биз шундай деб айтиш учун етарли маълумотларга эгамиз.

Толибларнинг бевосита бизнинг Амударё соҳилидаги чегараларимизга чиққани 1998 йилда ва ундан кейинги йилларда айниқса таҳликали вазият юзага келишига сабаб бўлди. Шундоққина мамлакатимиз остонасида турган бундай бало-қазо қаршисида бизнинг ёрдам сўраб қилган барча мурожаат ва даъватларимиз жавобсиз, ҳавода муаллақ қолгани ҳам ҳали-бери ёдимизда.

Очиқ айтадиган бўлсак, биз ўшанда 2000 йилгача ўзимиз аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси доирасида бу масалада умумий баёнот ва ваъдалардан бошқа ҳеч қандай амалий ёрдам олганимиз йўқ.

Бир нарса барчамизга аниқ. Агар 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожиали ҳодисалар оқибатида ён-атрофимиздаги воқеалар бошқача тус олмаганида, Ўрта Осиё давлатлари қандай вазиятга тушиб қолган бўлар эди - буни айтиш қийин. Фақат Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги антитеррор коалициясининг тузилиши, толибларнинг тор-мор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базалари яксон қилиниши ана шу даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади. Буни унутишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бу - дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин, бирон-бир мамлакатдаги воқеаларнинг салбий ва хавфли ривожига лоқайдлик билан қараш қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

**Тўртинчидан.** Биз барчамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сингари ўз мақсад-вазифасига кўра жаҳонда ягона бўлган халқаро ташкилотнинг нуфузини сақлаш, унинг обрў-эътиборини янада оширишдан манфаатдор бўлмоғимиз керак. Бугун буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар давомида рўй берган кўплаб воқеалар, айниқса, «совуқ уруш» туғаган ҳамда ер юзида халқаро хавфсизликка нисбатан янги таҳдид ва хуружлар, жумладан, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи пайдо бўлгани инобатга олинса, бизнинг назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва унинг айрим моддаларини ислоҳ қилиш ва қайта кўриб чиқишни тезлаштириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, мазкур ташкилотнинг етакчи органи - Хавфсизлик Кенгаши таркибини ҳам қайта кўриб чиқиш, инсониятнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришини кўролмайдиган қабиҳ ниятли кучларга қарши ўз вақтида тегишли жавоб бера оладиган, янада самаралироқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш даркор, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Ироқ ва унинг атрофидаги воқеаларни кузатиб бораётган ҳар бир одам ушбу жараёнлар баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида орқали қандай ёритилгани, телеканаллар ва матбуот саҳифаларида бу борада қандай шарҳ, тахмин ва башоратлар билдирилганига диққат қилган бўлса керак.

Агар эслсангиз, худди шундай аҳвол Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошланган дастлабки кунлар ва ҳафталарда ҳам содир бўлган эди.

Ироқдаги ҳарбий операциялар масаласида ҳам, айрим таниқли ва обрўли ҳарбийлар, таҳлилчи ва сиёсатчилар ваҳимага тушиб, бўлаётган жанговар ҳаракатларга худди учинчи жаҳон урушининг бошланиши, деб қараши кўзга ташланди.

Юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши, миллионлаб кишилар қочоқларга айланиши, ҳаво ҳужумлари оқибатида ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиши, бутун минтақада гуманитар фалокат рўй бериши, бунинг таъсирида сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият тубдан кескинлашиши, катта офатлар юзага келиши ва ҳоказолар ҳақида кўплаб башоратлар қилинди.

Бу урушнинг жуда оғир бўлиши ва узоқ давом этиши, пойтахт Бағдоднинг енгилмас қалъага, ҳар бир уй, ҳар бир кўчанинг эса «оккупация» қўшинлари йўлидаги мустаҳкам тўсиққа айланиши ва Ироқ аҳолисининг ҳар бири Саддам Ҳусайн учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр экани ҳақида ҳам кўп гапирилди.

Эҳтирослар шу қадар жўшиб кетдики, баъзи диний арбоблар американикларга қарши муқаддас жиҳод эълон қилишгача бориб етди.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси замирида айрим давлатлар вакиллари ва сиёсий арбобларнинг Саддам Ҳусайнга нисбатан яширин қийин бўлган хайрихоҳлиги, у билан олиб борган ҳамкорлиги ва энди мутлақо ортга қайтмайдиган замонларни қўмсаши сезилиб турарди.

Охир-оқибатда ҳаммаси бошқача бўлиб чиққанига барчамиз гувоҳмиз. Ҳарбий ҳаракатларнинг йигирманчи кунида Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари бўлинмалари деярли ҳеч қандай жиддий қаршиликка учрамаган ҳолда Бағдодга кириб борди. Саддам Ҳусайнга содиқ республикачилар гвардиясининг ҳарбий қудрати ва қўшинининг жанговар руҳи тўғрисидаги афсоналар чиппакка чиқди.

Ҳарбий операциялар натижасида беҳисоб аскарлар ва оддий одамлар қурбон бўлиши, даҳшатли вайронагарчиликлар ва қочоқлар тўғрисида оламга жар солиб айтилган тахминлар амалда тасдиқланмади. Албатта, қурбонлар, йўқотишлар, вайроналар ҳам бўлди, аммо уларнинг сони ва ҳажми деярли минимал даражада.

Бундан ташқари, узоқ вақт Саддам Ҳусайннинг мустабид зулми остида, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ўйлаб қўрқув ва таҳликада яшаган Ироқ аҳолисининг, жумладан, бағдодликларнинг аксарияти коалиция кучларини кўтаринки руҳ ва катта умид билан кутиб олди. Бу ҳам яққол кўриниб турган ҳақиқат.

Мамлакатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилиб, ироқликларнинг ўзи ҳам бу жараёнга жалб этилгани ва уларнинг ўз атрофидаги воқеаларни холис баҳолаши учун имкон яратилгани сари, Ироқда олиб борилган ҳарбий операциянинг асл моҳияти аҳоли томонидан англаб етилгани сайин бу ерда бошланган ижобий жараёнларнинг кучайиши муқаррар.

Қадрли юртдошлар!

Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича бизнинг ёндашувимиз, позициямиз қандай бўлгани ва унинг маъно-мазмуни нимадан иборат эканини баён этишдан олдин яқин тарихимиздаги баъзи воқеаларни эслаб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Афғонистонда антитеррор ҳаракатларини олиб борган коалициянинг стратегик режаларини қўллаб-қувватлаш бўйича тутган қатъий позицияси ҳақида бормоқда.

Сизларга шуни эслатмоқчиманки, ушбу позициямизни биз Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланмасидан аввал аниқ ва равшан баён қилган эдик. Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Яъни, ўша мураккаб вазиятда ҳам бизнинг позициямиз конъюнктурадан холи эди ва аввало, мамлакатимизнинг олдиндан танланган ва амалга ошириб келаётган принцип ва тамойилларига жавоб берар эди.

Энди Ироқ масаласига келсак, Ўзбекистоннинг бу борадаги принципиал позицияси ва муносабати 2002 йилнинг ноябрида Прагада бўлиб ўтган НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши (СЕАП) мажлисида, ушбу мумаммонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаси чоғида баён этилган эди.

Бизнинг позициямиз кейинчалик мамлакатимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз Ироқни қуролсизлантириш масаласини ечиш бўйича Америка Қўшма Штатларининг ёндашувлари тўғри ва позицияси асосли эканини қатъий қўллаб-қувватладик.

Шу пайтларда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва уларга иттифоқчи бўлган давлатларнинг бу борадаги сиёсати ҳамда таклифлари қанчалик кескин танқидларга учрагани, ушбу сиёсат ва таклифларни амалга оширмаслик учун қандай уринишлар бўлгани ҳам барчамизга маълум.

Албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг пировард натижалари ва оқибатлари хусусида гапиришга ҳали эрта.

Бироқ телевизор экранларида америкалик ва инглиз ҳарбийларини кутиб олаётган ироқликларни кўрганда - уларнинг ичида болалар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам, кексалар ҳам бор -одамлар юзидаги қувонч ифодасидан кўп нарсани англаб олиш қийин эмас.

Бугун аниқ кузатиш мумкин: Ироқ халқига кўплаб мусибат, қашшоқлик ва кулфат келтирган мустабид Саддам Ҳусайн тузумининг ағдарилиши мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, шак-шубҳасиз, кўтаринки руҳ, умид ва ишонч билан кутиб олинмоқда.

Бу - аввало истибдод ва ҳақсизликка ниҳоят нуқта қўйилганига, ўлкага тинчлик ва барқарорлик олиб келадиган истиқбол эшиклари очилганига, қўшни давлатлар билан бўлган қарама-қаршилик ва урушлар барҳам топганига, бундан буён мамлакат янгиланиш ва демократик тараққиёт йўлидан боришига бўлган умидлардир.

Ўйлайманки, бугунги кунда бундай истиқболга эътироз билдирадиганлар камдан-кам топилса керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг бош мақсадини қўллаб-қувватламаслик мумкин эмас.

Бу мақсад Саддам Ҳусайн гумашталари ва халқаро террорчилар қўлида ниҳоятда даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган биологик ҳамда кимёвий қуролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, олдини олиш ва зарарсизлантиришдан иборат эди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор такрорламоқчиман. Аслида дунёда урушни хоҳлайдиган соғлом фикрли одам ёки бирон-бир маърифий мамлакат бўлмаса керак.

Айни вақтда биз, юқорида қайд этилганидек, шундай ҳолатларни ҳам биламизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумэътироф этилган нормалари, қарор ва резолюцияларини доимо инкор этиб келган, улар билан ҳисоблашмайдиган кимсаларга нисбатан лоқайд ва бепарво бўлиш, тоқат қилиш, ўз вақтида тегишли жазо чораларини кўрмаслик пировард натижада ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Содда қилиб айтганда, ёвузликни ўз вақтида пайини қирқиб, таг-томири билан қўпориб ташлаш даркор. Нега деганда, эртага бу ёвуз кучнинг ер юзида содир этиши мумкин бўлган мудҳиш оқибатларига қарши курашиш оғир ва афсуски, кеч бўлиши муқаррар.

Азиз дўстлар!

Ироқни осуда ҳаётга қайтариш учун қанча куч-қувват, энг асосийси, катта маблағ сарфлаш зарурлигини, Ироқ халқининг эртанги барқарор ҳаётга бўлган ишончини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишлар қилиш кераклигини биз Ўзбекистонда ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Табиийки, бу масалада халқаро ҳамжамиятнинг ҳар томонлама ёрдам ва кўмагини жалб қилмасдан, тегишли молиявий ва моддий ресурсларни излаб топмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Халқимиз Ироқни, унинг меҳнатсевар халқини яхши билади. Ироқликларнинг қадимий маданияти ва анъаналари кўп жиҳатдан бизга яқин, динимиз бир.

Ўзбекистон вакиллари - лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар ва мутахассислар ўтган асрнинг 60-80-йилларида Ироқда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, аввалambор, энергетика, мелиорация ва ирригация қурилиши соҳасида меҳнат қилганини кўпчилик яхши эслайди. Уларнинг барчаси ироқликлар билан ҳамкорликда ишлаган йилларини самимий тассуротлар билан ёдга олади.

Ўзбекистон мана шу кунларда ҳам Ироқда тинч ҳаётни тиклаш, инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, йўллар ва коммуникация тармоқларини бунёд этиш жараёнидан четда турмайди, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, десам, ўйлайманки, сиз ҳурматли депутатлар бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Сўзимнинг якунида Ироқ халқига фаровонлик, тинчлик ва бирдамлик, ўз келажаги учун курашда муваффақиятлар тилаб, ўзимнинг эзгу туйғуларимни изҳор этсам, аминманки, нафақат сизларнинг, балки бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# ОВУЛНИНГ ЭГАРСОЗ УСТАСИ

(Боши 1-бетда)

Ўзини эгарсоз, деб таништирган Шафриддин Сулаймонов билан унинг устахонасида гурунгимиз қўр олди.

-Ёшим олтмишдан ошди, шунинг қирқ йилини қўй боқиб ўтказдим, - деди суҳбатдошимиз очиқ чеҳра билан.

Ўтовда асбоб-ускуналар билан бирга турли ҳажмдаги эгарлар ва эгарбоп ғўлалар ҳам қалашиб турарди.

-Ўттиз уч йилдан бери эгарсозлик билан шуғулланамиз. Падари бузрукворим Сулаймон ота ҳам шу касбнинг устаси бўлганлар.

Шафриддин оғанинг юзидан нур ёғилиб турарди. Самимийлиги, очиқ кўнгиллиги, ҳожатбарорлигини чеҳрасидан ҳам сезиш мумкин.

-Эслай оласизми, шу ҳунарнинг бошини тутганингиздан бери қанча эгар ясадингиз? – сўраймиз ундан.

У узоқ ўйланиб ўтирмади.

-Тахминан юзтачадан ошар...

-Фақат буюртма асосида ясайсизми?

-Ҳа. Буёғи Чимкент, Чордара, Учқудуқ, Зарафшон, Ромитан, Бухоро. Чавандозлар ўзлари келиб, буюртма бериб кетишади. Конимех, Нурота, Фориш томонларда ҳам мен ясаган эгарлар кўп.

Уста ўз ишини санъат даражасига кўтаргани боис номдор чавандозлар ҳурматини қозонган. Боймуродлик бир чавандозга уч эгар ясаб берган, ҳозир тўртинчисини ясаш билан банд.

-Бир йилда нечта эгар ясайсиз?

-Тўрт-бештадан ошмайди, - дейди уста.

-Сир бўлмаса нархи ҳақида...

Бу саволимиз Шафриддин оғани иккилантирмади, дангал қилиб:

-Ҳақиқий уста ўз матоҳига баҳо қўймайди. Харидорнинг ўзи хомчўт қилиб, уч яшар от ё икки яшар ҳўкиз келтириб беради, - деди.

-Эгар қайси дарахт ёғочидан ясалиши ҳам кўпчиликни қизиқтиради.

-Қора толдан ясалади, - дейди ҳамсуҳбатимиз. – Уни асосан Нурота томонлардан опкеламан.

-Қора тол топилмаса-чи? – сўраймиз қизиқишимиз ортиб.

-Унда тут ёғочини ишлатса ҳам бўлаверади.

-Эгар ясашда ёғочнинг ўзи билан иш битмаса керак? -қистовга олдик.

-Йилқи, туя, қўй-молларнинг пайи, елим, эгарнинг маҳкам бўлиши учун туя териси ва ҳоказолар керак бўлади. Эгар сиртини кўпинча туя териси билан қоплайман. Чунки бу тери темирдан ҳам мустаҳкам, пишиқ бўлади. Туя териси топилмаган пайтда эгарга пай суртилиб, қайин пўстлоғи билан қопланади.

-Шогирдларингиз ҳақида...

Шафриддин оға ёнида турган ўрта бўйли йигитни кўрсатди.

-Жиянларим Жумабек Сулаймонов, Жонаҳмад Шаймоновларга ҳунар сирларини ўргатаяпман, - деди.

-Эгарсозлик санъатини кимдан ўргангансиз? – дея суҳбат мавзусини яна ўзгартирдик.

Шафриддин оғанинг қиёфасини жиддийлик эгаллади.

-Ҳаётнинг ўзи муаллим, - деди у. – қунт, зукколик, уқув ва меҳнат мужассамланса, билингки, ҳар қандай қийинчилик чекинади. Чўпонлик қилиб рўзғор тебратдим, уй-жой қурдим, тўй қилдим. Шу ҳунарга бўлган меҳр-ихлосим менга куч-қувват берди.

Уста ўтовнинг чеккасига осиб қўйилган бир эгарни авайлаб қўлига олди.

-Форишда уста Қамбар исмли катта эгарсоз ўтган экан. Мен унинг эгарларидан қолип ясаб олдим, - деди у қўлидаги эгарга ишора қилиб. – Олдинга ҳам, орқага ҳам кетмайди. Эгарнинг сиртига еттисойлик Қўдал номли устанинг санъатидан илҳомланиб сайқал бердим. Бу эгарнинг ости отга қулай, усти чавандозга. Кўриниши ҳам ажойиб.

-Эгар устида кўпинча қайси вақтлари ишлайсиз?

Шафриддин оға қўлидаги эгарни ерга қўйди-ю, курсига оҳиста чўкди.

-Эгарни қиш вақти ясайман. Ёз пайти эгарсозлик учун анча ноқулай. Ёзда кунлар иссиқ, ҳаво қуруқ бўлади. Бундай пайтда эгарга қўйилган пай тез қотиб, кўчиб, ёпишмай қолади.

Уста Шафриддин Сулаймонов эгарсозликнинг кўз илғамас қирралари ҳақида узоқ ҳикоя қилди. Шунда чавандознинг муваффақияти кўп жиҳатдан тулпори устига қўйилган эгарнинг сифати, нозик санъатига боғлиқ эканини яна бир бор англаб етдик.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Хатирчи туманидаги "Апжиробод" маҳалласида ободонлаштириш, тўй-хашамларни ихчам қилиб ўтказиш, спорт ўйинларини ташкил қилиш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бу ерда йўллар равон, кўчалар озода. Дўконлар, новвойхона, чойхона, болалар боғчаси ишлаб турибди.**

**СУРАТДА: маҳалланинг янги келин-куёви.**

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

# БИР ШЕЪР ТАРИХИ

***Атоқли шоир Ғафур Ғулом болаларни ниҳоятда севар эди. Шу боис у ижодий фаолияти давомида болаларга бағишлаб кўплаб шеърлар, қиссалар ёзган.***

ЭҲТИРОМ

Мен Ғафур Ғулом уй-музейида ишлаб юрган кезларимда шоирнинг рафиқаси Муҳаррам ая Ғуломова билан кўп маротаба суҳбатда бўлганман. У киши "Сен етим эмассан" шеърининг ёзилиш тарихини шундай ҳикоя қилиб берган эдилар:

"1941 йилнинг куз ойларида фронт ичкарисидан қариялар, ота-онасиз қолган болалар Тошкентга вагон-вагон келтирила бошлади. Болалар келадиган кунлари Йўлдош Охунбобоев уйимизга келиб Ғафур акани болаларни кутиб олгани бирга олиб кетганлари ҳозиргидек эсимда. Вокзалда етим, мурғак, нимжон болаларнинг аҳволини кўриб Ғафур Ғулом қаттиқ изтироб чекиб, юраклари эзилиб кетгандан бир неча болани ўз тарбияларига олмоқчи бўлганлар. У ердан кўнгиллари алланечук бўлиб қайтар эдилар.

1941 йилнинг июл ойида Яшар исмли 5 ёшли ўғлимиз вафот этган эди. Ўн етти ёшли, Ғафур акага ўғилдек бўлиб қолган Жўрахон исмли укам урушга кетганди. Иккита ўғилларидан кетма-кет ажралиш уларга қаттиқ таъсир қилганди. Ғафур Ғулом ота-онадан ёш етим қолганлари, учта сингилларига ота ўрнида ота бўлиб уларни тарбия қилишда моддий-маънавий эзилганлари сабабли етимликнинг оғир фожеаси уларнинг юракларида ўчмас из қолдирганди. Етим болаларнинг аянчли аҳволи кўнгилларини пора-пора қилиб юборар, айниқса вокзалдан қайтганларидан сўнг тинчларини йўқотиб, безовта бўлиб юрар эдилар.

Биз ўша вақтларда эски шаҳардаги Қорасарой кўчаси 52-уйда яшардик. Ҳовлимизда киришда чап тарафда зина билан чиқиладиган икки уй, ўртаси катта айвон, унинг олдида эса яна бир панжарали тахта айвон бўларди. Ғафур ака ёз ойларида тонг саҳарда туриб, муздек сувда ювиниб шу айвонда ижод қилар эдилар. Ҳовлимиз унча катта бўлмаса ҳам дид билан қилинган гулхона бор эди. Бир томонда ярми қизил, ярми сариқ қантдек ўрик, бир томонда оби наввот олхўри бўлар, ўртасида қатор қилиб атиргул, қизилгул, яна бир хил оловранг гул бўларди. Энг ўртасида ҳамма гуллардан баланд "президент" деган гул ўсарди. Атрофига эса ҳожирайҳон, садарайҳон экканмиз. Куз ойлари тугаб совуқ тушиб қолганлиги сабабли деразаси ҳовли ва кўча тарафга қараган китобхона уйда ижод қилардилар. Кўча деразаси яқинига катта қизил хонтахта қўйилиб атрофига кўрпачалар тўшалган, хонтахта ўртасида катта сиёҳдон, чап томонда эса "Куллиёти Мирзо Бедил" китоби турар эди. Кечқурун хонадаги гулдонга ҳожирайҳон, садарайхонлардан солиб қўяман, эрталаб уйнинг эшиги очилганда райҳоннинг муаттар ҳиди кишини жонлантириб юборарди.

Ҳар вақт биринчи бўлиб мен турар, самоварга олов ташлангач, Ғафур ака чиқар, ювиниб ижодий ишлар билан шуғулланар эдилар. Бир куни мен чиқсам китобхона уйнинг чироғи ёқилган, Ғафур ака шеър ёзмоқдалар. Эшикни очиб секингина салом бериб ичкарига кирдим. У киши шунчалик ҳаяжонланиб кетганларидан ҳаттоки мени хонага кирганимни ҳам, салом берганимни ҳам сезмадилар. Астагина тепаларига яқинлашдим, қўлларида шеър битилган қоғоз билан менга қарадилар. Шеърни аста ўқий бошладим, лекин бир саҳифа шеърни охиригача ўқий олмай йиғлаб юбордим. Чунки битилган сатрлар кишини йиғлатмасдан қўймас эди. "Сен етим эмассан" шеъри шу тариқа бошланди. Узоқ ёзилди. Баъзи кунлари бир сатр ҳам ёзмай, Бедилни ўқиб ўтирар эдилар. Гоҳида эса бир-икки қоғоз ёзардилар. Шеърни 7 декабрда ёзиб тугатганлар, тугатганларидан кейин эса нашрга беришга шошилмадилар. Негадир кўнгиллари тўлмаётган эди. Шеърни бир неча маротаба қайта ишладилар. Январ ойининг охирларида газета редакциясига олиб бордилар. Шеър 1942 йилнинг 1 февралида "Қизил Ўзбекистон" газетасида босилиб чиқди".

1942 йилнинг 27 апрел куни шоира Светлана Сомова таржимасида собиқ шўро даврининг марказий газеталаридан бирида чоп этилди. Шеър радиода қайта-қайта ўқилган. Кўп газеталарда кўчириб босилган эди. Тошкент кўчирув пунктига келган кўп аёллар, айни Ғафур Ғулом шеърини ўқигандан кейин етим болаларни ўз тарбияларига олишга қатъий қарор қилишганди.

"Сен етим эмассан" шеъри ўзининг бадиий етуклиги, баркамоллиги билан келгуси авлодларга ҳайқириқ бўлиб қолади.

**Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ЁШ КАРАТЭЧИЛАР

***Самарқанд вилоятида ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган ўсмирлар ўртасида ғолиблик учун кечган баҳсларда мезбонларга тенг келадигани топилмади. Хусусан, якка тартибдаги беллашувларда Самарқанд каратэ мактаби вакиллари Жамшид Очилов ва Шуҳрат Соиповларга биринчи ўрин насиб этди. Жамоавий тарзда уюштирилган баҳсларда ҳам улар ғолиб деб топилдилар.

### МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

***Фарғона вилояти марказидаги Зобитлар уйида 16 ёшли ўсмирлар ўртасида шоҳмот бўйича Осиё биринчилиги мусобақалари бошланди.***

ФИДЕ таснифига кирувчи ушбу нуфузли турнирда қитъамизнинг 12 давлати ёш шоҳмотчилари ғолиблик учун курашадилар. Умид қиламизки, иқтидорли ёш шоҳмотчиларимиз ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритадилар.

### "СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ"

***Тошкент вилоятининг Тошкент туманида жойлашган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи спорт мажмуасида ана шундай шиор остида "Саломатлик" спартакиадаси ўтказилди.***

Унда Тошкент вилоятидаги касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларидан ташқари пойтахт шаҳри вакиллари ҳам ғолиблик учун муросасиз кураш олиб боришди. Спортнинг югуриш, кураш ва сузиш турлари бўйича уюштирилган спартакиада беллашувлари ниҳоятда қизиқарли кечганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

### ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мамлакатимизга ёруғ юз билан қайтишди.***

Ушбу нуфузли турнирда терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган 10 нафар боксчиларимиздан 91 килограммгача вазнда Рустам Саидов барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, яна бир вакилимиз Шерзод Абдураҳмонов кумуш медал билан кифояланди. Эндиликда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари май ойида Хитойда ўтказиладиган халқаро турнирга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

### АТЛЕТИКАЧИЛАР БАҲСЛАШДИ

***Зарафшон шаҳрида оғир атлетика бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 17-22 ёшли спортчилар олти вазн тоифасида ўзаро куч синашди.***

56 килограмм вазнда ғолибликка Чирчиқ ва Тошкент шаҳарлари Олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчилари Фарруҳ Ҳусанов ҳамда Руслан Макаровлар даъвогарлик қилишди. Сўнгги дақиқадагина рақибини 5 килограммга ортда қолдирган чирчиқлик Фарруҳ биринчи, пойтахтлик Руслан иккинчи ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, 85 килограммгача вазнда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси талабаси Ботир Усмонов ҳам иккикураш ҳисобидаги 325 килограммлик натижаси билан биринчиликнинг кумуш медалларини қўлга киритган бўлса, 105 килограммгача вазнда пойтахтлик спортчилар Шоҳруҳ Алихўжаев ва Владислав Кедрачёвларга иккинчи, учинчи ўринлар насиб этди. Бу вазнда Александр Ўриновга тенг келадиган спортчи топилмади. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

### "ПАҲЛАВОН"ДА МИНИ-ФУТБОЛ МУСОБАҚАЛАРИ

***Кейинги йилларда турли тармоқ, соҳа ходимлари ўртасида ҳам спорт мусобақалари ташкиллаштириш анъанага айланиб бормоқда.***

Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуида солиқ ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича 2-анъанавий турнир уюштирилди. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган жамоалар ўртасидаги беллашувлар муросасиз, кескин ўтди. Аммо финалда барча рақибларидан устун эканликларини намойиш этган Тошкент ҳамда Наманган шаҳарлари жамоалари ўртасидаги баҳс ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Пойтахтлик мини-футболчилар учрашувда мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатишди. Фақат пенальтилар сериясида тошкентликлардан кўра аниқ ҳаракат қилган наманганликлар ғалабани қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳри мини-футболчиларига иккинчи, жиззахликларга учинчи ўрин насиб этган ушбу турнир якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Ривоят

## ТАМАКИНИНГ "ХОСИЯТИ"

***Савдогарлар бозорга биринчи марта тамаки олиб келишганида бир донишманд: "Бу матоҳ соғлиқ учун зарар келтиради", дегани учун одамлар уни олмай қўйибдилар.***

Бундан норози бўлган савдогарлар донишманддан тамаки ҳақидаги ўз фикрини ўзгартиришни илтимос қилишибди. Шунда у "Ҳалойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уйига ўғри тушмайди, ўзи сира қаримайди", дея хитоб қилибди.

Дўстлари: "Бу нима деганингиз, олдин тамаки соғлиқ учун зарар, чекманг, деган эдингиз-ку?!", деб сўрашибди. Шунда донишманд: "Тамаки чеккан киши хассага таяниб қолади, хассали кишини ит қопмайди. Чеккан одам туну кун йўталади, ўғри уй эгаси бедор экан, деб уникига кирмайди. Чеккан одам қаримасдан, ёшлигидаёқ ўлиб кетади", дея жавоб қилибди.

**Ширин БАҲРОМОВА**



**БАҲОР КЕЛДИ ТОҒЛАРГА**

**Т.МАҲКАМОВ олган сурат лавҳа.**

# ҲАФИЗОВНИНГ ЧАҚҚОН ҚИЗЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Муаллимнинг бу эски орзусига фаришталар аллақачон "омин" деган экан. Қизлар илк совринни 2001 йилги вилоят биринчилигида қўлга киритишди, ғолиблик шоҳсупасининг иккинчи поғонаси забт этилди. Ундан сўнг Фарғонадаги (2002 йилда) "Умид ниҳоллари" мусобақасида вилоят шарафини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. 2002 йил июн ойида бўлган республика чемпионатида эса кучли олтиликка кириш (3-ўрин) насиб этди. Шу йил 17-23 март кунлари ана шу кучлилар Ватанимиз пойтахтида тағин беллашиб кўришди. 1985-1986 йилда туғилган қизлар орасида Ҳафизов домланинг шогирдлари яна 3-ўринни қўлга киритишди.

Ниҳоят шу йил май ойида Хоразмда бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" мусобақаси йўлланмаси учун даъвогарларнинг қўл тўпи бўйича беллашуви ҳам косонсойлик қизлар фойдасига ҳал бўлди. Ҳафизов домланинг қизлари 25-28 март кунлари 13 жамоа иштирок этган бу синовда барча рақибларини йирик ҳисобда мағлуб этишди ва вилоятдаги тенгдошлари ўртасида ўзларига тенг келадиган жамоа йўқлигини яна бир карра исбот этишди.

-Тўғри, спортчилик касб эмас, бола ўқиши, илм-ҳунар ўрганиши зарур, - дейди Мухторжон худди тилимда турган саволни билгандай. – Қизларимга битта шарт қўйганман: ҳамма фанлардан яхши ўқиганлар жамоада қатнашади, мусобақаларга боради.

Ҳафизов домланинг қизлари ақлли-хушли, барно ва содда. Ҳаммаси тушунишади: муаллимнинг талаби, қизларнинг истаги – қонун. Аммо беш қўл баробар эмас, спортчининг кийиниши, озиқ-овқати ўзи бўлмайди, ахир. Савол бераман:

-Бировда бор, бировда йўқ бўлади. Қийналиб қолишмайдими?

-Асти қўяверасиз, - "ёриладн" мураббий. – Раисга келиб "шундай-шундай" дейман. У киши чўнтак ковлайди... Ҳокимлик 12 жуфт красовка олиб берди. Қизлар ечиши билан шкафга солиб қулфлаб қўяман. Халқ таълимидагилар совға қилган спорт кийимлариям мусобақадан бўш пайтлари "қулф"-да сақланади. Директоримиз 4 тонна макулатура тўплаб берди, ширкат хўжалигидан машина олдим. Ўзим Тошкентга оббориб, 170 минг сўмга сотдим, пулига ҳар хил энг яхши тўплардан олиб келдим. Номимиз чиқиб, мусобақаларга тез-тез қатнашганимиз сайин сарф-харажатимиз ҳам ортиб боряпти. Амал-тақал қилиб эплаб турибмиз. Ақалли битта профессионал спортчига сарфланаётган маблағ бизга берилганда эди...

Спортдан, ўйин-кулгидан, сайру саёҳатдан ўзга иши йўқдай кўринган муаллимнинг ичи тўла дард экан. Ҳай, вақтнинг ҳакамлиги ҳам, малҳамлиги ҳам бор гап. Мана ҳокимият бор, раис бор – баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Кўкимбойлик бир фермер спорт залига лойиҳа қилдириб бермоқчи эмиш, бу ҳам харна-да.

Булар-ку ўз йўлига. Бироқ, рўй-рост айтганда, болалар спортини ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий ёндашув, спорт мактаблари ва тўгаракларн ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш ва ҳавас уйғотиш масалаларига етарлича эътибор берилаётгани йўқ.

Шу йил 7 феврал куни Оқсаройда Президентимиз раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида ана шу фикр ўринли таъкидланди.

-Мен ўша мажлисда Президентимиз айтган сўзларни жон қулоғим билан тингладим. Айниқса, спортчи қизлар учун зарур шароитлар яратиб бериш ва уларни сифатли, замонавий спорт кийимлари билан таъминлаш масалалари давр талабига жавоб бермаслигини ҳам тўғри қайд этдилар. Маълумотларга қараганда 2005 йилгача вилоятимизда 102 та спорт иншооти барпо этиларкан. Уларнинг шу йилнинг ўзида фойдаланишга топшириладиган 15 тасидан 13 таси чекка қишлоқларда бўлиши режалаштирилган. Орзу қиламанки, шулардан бири бизнинг қишлоқда, менинг қизларим учун, уларнинг ортидан тайёрланаётган ўринбосарлар учун қурилса.

Орзуга айб йўқ дейдилар. Нафсиламбирини айтганда, Ҳафизов домланинг шогирдлари катта спортда ўз ўрнини топди, ҳисоби. Бунга биз юқорида айтган совринлар ҳам далил. Фақатгина замонавий, кенг, мўл бир зал бўлса-ю, косонсойлик қизлар унда эмин-эркин машқ қилсалар – бу улар учун катта мукофот ва келгусида эришажак ютуқлари учун мустаҳкам замин бўлур эди.

**Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЖАҒ-ЖАҒ - ШИФО

***Бу баҳорий ўсимлик бир неча ном билан юритилади: хушо, ачам бити, жағ-жағ, чўпон халтаси (пастушья сумка).***

Фарғона водийсининг форсийзабон аҳолиси уни хушо деса, туркийзабонлари жағ-жағ деб номлашган. Айрим жойларда ачам бити номи билан аталган бу илк баҳорий ўсимлик, баъзи ҳудудларда чўпон халтасига нисбат бериб номланган. Мевасининг шакли чўпон халтасини эслатгани учун бу ўсимлик шу ном билан аталган бўлса ҳам ажаб эмас.

Ўсимлик ўрта асрларда қон кетишини тўхтатувчи омил сифатида ишлатилган.Бу ўсимлик ҳатто қон тўхтатувчи гидрастис ўсимлигидан ҳам устунлиги билан ажралиб туради.

МАСЛАҲАТ

Хитойда жағ-жағни бир асрдан ошибдики сабзавот сифатида экишади ва кенг истеъмол қилишади. Ҳиндистонда эса бу ўсимликни қусишга қарши доривор сифатида қадрлашади. Бизда эса мазкур гиёҳ халқ табобати ва илмий тиббиётда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилмоқда.

Дамламаси ва суюлтирилган шираси жигар, буйрак, пешоб халтаси каби хасталикларда ва моддалар алмашинуви бузилганда даво бўлади.Дамламаси экстрактида қон босимини тушириш хусусияти бор. Жағ-жағ дамламасини тайёрлаш жуда осон: янги қуритилган ўсимликдан 2-3 ошқошиқ олиб 200 гр. қайноқ сувга солинади ва бир соат сақланади. Кунига 30-40 гр.дан 3 мартадан ичилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти томонидан 1993 йили Умаров Джабарали Базарович номига берилган № 047201 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 44-мактаб томонидан 1997 йили Абдухўжаев Зафар Рустамович номига берилган № 099261 рақамли таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "MAHAMADAMIN HOJI AKBAR OG'LI" хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Саида – Халил" МЧЖ "Сервис-Саида" МЧЖга қўшилиши муносабати билан унинг мажбуриятларини "Сервис-Саида" МЧЖ зиммасига олади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Тел.: 144-23-68

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Ником" хусусий корхонаси тугатилиши режалаштирилганди. Ҳозир иш ҳажми борлиги учун у ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Тел.: 132-11-98

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги "Арана" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Марҳамат шаҳри, Олмазор кўча 36-уй. Тел. 1-28-54.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6